



ЎЗБЕК НОДАВЛАТ ФИЛЬМЛАРИДА БАДИИЙ – ТАСВИРИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Бобоназар Юсупович Туробов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

“Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати”

кафедраси ўқитувчиси

e-mail: bobonazarturobov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6529131>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 15- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Кинематография,
“Ўзбекфильм”, кино,
хусусий фильм,
киностудия, режиссёр,
оператор,
кинодраматургия, жанр,
мавзу

ANNOTATSIYA

Санъат, айниқса кино санъати инсон қалби ва тафаккурига маънан таъсир ўтказади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда кинематография соҳасини ривожлантириш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилмоқда. Хусусан, давлат ва хусусий фильмлар, бир сўз билан айтганда миллий кино санъатини кеча ва бугунги кундаги ютуқ ва муаммоларини ўрганиш эндиликда муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ушбу мақола хусусий фильмларнинг тарихи ва замонавий қиёфасини ёритишга қаратилган.

Мамлакатимизда жамият тараққиёти ва юксалиши йўлида самарали фаолият кўрсатувчи ўзбек кино санъатига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Айниқса, мазкур соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган чора-тадбирлар кўпдан бери ўз ечимини кутиб келаётган бир қанча оғриқли масалаларга қаратилинаётганлиги билан қувонарлидир.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан кўрсатилинаётган ғамхўрлик ва рағбатлар туфайли маъмулан етук фильмларимизнинг сафи анчайин кенгайди. Хусусан, “Имом Термизий”, “Исломхўжа”, “Элпарвар”, “Қўқон шамоли”, “Ибрат”, “Сотқин” тарихий фильмлари суръатга олинди.

УСУЛЛАР

Барчамизга маълумки бундан бир неча йиллар муқаддам ўзбек кино санъатида турғунлик пайдо бўлган эди. Бу даврда ўзбек киноси фильмлар сонини орттириш бобида анчайин илдамлади аммо, бадиий ва маънавий етуклик масаласида бирмунча орта қолганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу даврда хусусий киностудиялар томонидан суратга олинган енгил-елпи маиший масалаларга қаратилган фильмларнинг тобора ортиб борганлиги, давлат фильмларининг ўрни деярли сезилмаганлиги сўзимизнинг яққол исботидир.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Кўпчилик давлат киноси ва хусусий фильмлар тушунчаларини



чалкаштиради. Давлат ҳамкорлиги ва хусусий маблағ асосида суратга олинувчи фильмлар ўз ўрнида Ўзбек киносини ташкил қилади. Ўзбек киноси бу анча кенгроқ тушунча бўлиб, бу киноматографияда бозор иқтисодиётининг асосидир.

Яқин кунгача хусусий фильмлар дейилганда кинотеатрлар экранларини тўлдириб турган ҳаттоки бир икки кун ўтиб номи ҳам унут бўлиб кетадиган “Ёлланган совчи”, “Алданган совчи”, “Эр бермоқ жон бермоқ”, “Ўжар келин”, “Келгинди куёв” сингари қайнона ва келин, эр ва хотин сингари оилавий можороларга қаратилган фильмларни тушуниб келганмиз. Аммо, бу фильмлар тарозининг бир палласини эгаллаб келаётганлиги ва ўзбек томошабинлари орасида энг кўп кўрилатган фильмлар хусусий студияларда олинаётган фильмлар эканлигини унутмаслигимиз лозим. Даставвал, хусусий фильмларни яратиш борасида олиб борилган изланишлар билан бир мунча ютуқларга эришганлигимизни айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир неча хусусий киностудиялар ташкил этилиб, уларнинг таркибида “Ўзбекфильм” ва бошқа киностудиялардаги иқтисодий танглик туфайли вақтинча ишсиз қолган, кўзга кўринган ижодкорлар ҳам иш бошлайди. Шундай бўлсада хусусий киностудияларнинг пайдо бўлиш тарихи Ўзбекистон мустақилликка эришишидан олдинроққа бориб тақалади. 1991

йилда мамлакатимизда илк бор биринчи хусусий киностудия хусусий кино олиш ва тижорий мақсадларда намойиш этиш ваколатини олди. Бу киностудия Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Жумҳурият жамғармаси қошида ташкил этилган, «Улуғбекфильм» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси эди.

Студия 1991 йил 19-февраль куни Ҳожимурод Ибрагимов ташаббуси билан «Улуғбекфильм» киностудияси дея номланган, киностудия бадий кенгашида Бўрибой Аҳмедов, Шухрат Аббасов, Одил Ёқубов, Муҳаммад Али, Шароф Бошбеков, Ҳожимурод Ибрагимов, Саддириддин Зиёмуҳаммедов, Элдор Мамедов каби бир гуруҳ истеъдодли ва номдор ижодкорлар фаолият юритди. Шу кундан Ўзбек кино саноатида янги давр – хусусий киностудиялар даври бошланди.

1991-1994 йилларда студия томонидан бир неча хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратилди. Кейинчалик, студия ижодий гуруҳи уч қисмли “Улуғбек мероси” хужжатли-публистик фильмини, мавжуд хужжатлар ва далилларга асосланган Амир Темурнинг Хиндистон, Эрон ва бошқа давлатларга қилган юришлари ҳақидаги “Амир Темур” кўп қисмли хужжатли-публистик фильмини, Орол ва оролбўйи ҳудуди экологик ҳолатини асраш қўмитасининг буюртмасига биноан “Орол фожеаси” деб номланган хужжатли-публистик фильмини ҳамда ЮНЕСКОнинг кенг кўламли акциясига эга бўлишга қаратилган “Ипак йўли” каби



хужжатли-публистик фильмларини яратишди.

Бироқ, бадий фильм яратиш борасида илк қадамни қўйган хусусий киностудия мақоми “Улуғбекфильм” студиясига тегишли эмас. “Бирданига 3 та “Грифонни” (Ўзбекистон кино арболари уюшмаси рамзи ва мукофоти) – энг яхши актёрлик (Г.Жамилова), энг яхши операторлик иши (А.И.Исмоилов) ва энг яхши фильм постановкаси учун (А.И.Исмоилов ва О.Убайдуллаев) мукофотларни “Эҳтирос қурбонлари” (“Счастье моё, ты оплачено кровью”, турк матбуоти бу фильмни “Kanla ödenmiş benim mutluluğum” – “Қонга беланган менинг баҳтим” дея таржима қилган) бадий фильми қўлга киритди. Эътиборлиси шундаки, у республика вилоятида, Андижон вилояти марказида ташкил қилинган илк кино студия томонидан суратга олинган. “Намуна” киностудиясининг ташкил этилишига ҳомийлар – бир қатор савдо ва ишлаб-чиқариш ташкилотлари ҳисса қўшганлар”[2]

“Эҳтирос қурбонлари” фильми мелодрама жанрида яратилган бўлиб, у замонавий Ромео ва Жульетталарнинг оташин муҳаббатлари ҳақида хикоя қилади. Республикада бир неча давлат мукофотларини қўлга киритган истеъдодли кинооператор Абдурахим Исмоилов бу фильмда Ориф Убайдуллаев билан ижодий ҳамкорликда илк маротаба саҳналаштирувчи режиссёр сифатида ижод қилган. Бу ижодий тандем ўзини оқлади ва кўп эътирофларга сазовор бўлди.

“Эҳтирос қурбонлари” фильмининг жанри мелодрама деб

аталган бўлсада, жанр жихатидан у драма ва криминал фильм хусусиятларини ўзида акс эттирган. Фильм воқеалари 90-йиллар бошидаги қайта қуриш даврида содир бўлади. Сценарийни Исфандиёров ва Э.Бутинларнинг “Қасос” номли романи асосида машхур режиссёр Шухрат Аббасов ёзган. Муסיқаларни композитор Евгений Ширяев басталаган.

1994 йил май ойида “Улуғбекфильм” киностудияси ижодкорлари томонидан илк бадий фильм тасвирга туширилди. Бу иккинчи хусусий фильм дея аталиши лозим бўлган “Тақдир” кинофильми эди. Унинг бадийлик хусусиятларини яхши деб бўлмайди.

“Тақдир” фильмининг сценарий муаллифи Анвар Нурматов, постановкачи режиссёр ва оператор Элдор Мамедов. Мелодрама жанридаги “Тақдир” фильмининг сюжетида эътиборни қаратадиган бўлсак, унда ўз ҳаётини мақсади, соф муҳаббати учун курашган оддий инсоннинг қалтис қарор қабул қилиб ўз ҳаётини поймол қилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильм Наманган вилоятида тасвирга олинган бўлиб, бунга асосий сабаб, «Улуғбекфильм» хусусий киностудиясига тайёр қаҳрамонларнинг прототиби асосида ёзилган сценарий билан таклиф тушган бўлиб, “Тақдир” фильми илк бор “Электроника” деб номланган видеопроектор ёрдамида катта экранда намоиш этилган фильмдир. Фильмининг премъераси Наманган вилояти “Баҳор” кинотеатрида 1994



йилнинг 12 октябрида бўлиб ўтган ва бир ой мабойнида кинотеатр репертуаридан жой олган.

Филмда операторлик ва режиссёрлик вазифаси бир инсон томонидан амалга оширилганлиги боис мезонсаҳна қуриш, актёрлар билан ишлаш, умумий ижодий гуруҳни бошқариш каби ишларга чалғиб, тўлақонли тасвир устида ишлашга имкон бўлмай, операторлик масъулияти издан чиқади. Минг афсуски, “Тақдир” кинокартинасида айнан шу ҳол юз берган.

Даврнинг талаби ва ҳар томонлама ривожланиш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, хусусий киностудиялар ва давлат киностудиялари ўртасида ҳам ўзаро манфаатли ижодий алоқалар ўрнатилиб, ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширила бошланди. Ана шундай ҳамкорликнинг меваси сифатида “Ўзбектелефильм” студияси ва атоқли ўзбек кинорежиссёри Л.Файзиев томонидан асос солинган «Файзий-фильм» хусусий студиялари томонидан 1994 йилда “Тақдир эшиги” деб номланган тўлиқ метражли бадий фильм тасвирга олинди. Бу ҳам хусусий киностудияларнинг қарор топиши ва ривожланишидаги яна бир босқич бўлиб хизмат қилди.

Таниқли адиб Ш.Бошбековнинг “Тақдир эшиги” пьесаси асосида режиссёр Латиф Файзиев, ва оператор Б.Содиқовлар томонидан суратга олинган бу фильмда ёлғизликда яшовчи икки қўшнилари тақдир тақозоси – қулфи бузилган эшик сабабли бир-бирлари билан тамомила

тасодифан учрашиб қоладилар ва тонгга қадар бир хонада қамалиб қолиб кетадилар. Оҳир-оқибат турмуш қуришади. Фильмдаги бош ролларни истеъдодли актёрлар Хожакбар Нурматов ва Дилором Қамбаровалар ижро этишган.

Хусусий киностудия томонидан суратга олинган кейинги фильм “Байрам хусусий киностудияси томонидан 2000 йилда тасвирга олинган «Бумбастик» фильмидир. Фильмнинг сценарий муаллифи Валерий Гусев, постановкачи-режиссёр Фарид Давлетшин, постановкачи-оператор Элдор Мамедов. Фильмда асосан хаваскор актёрлар роль ижро этишган.

Фильм жуда қисқа фурсатларда ва жуда кам маблағ эвазига суратга олинган. “Бумбастик” фильми ҳам видеопроектор ёрдамида катта экранда намойиш этилган фильmdir. Унинг премьераси 2000 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган. Фильм томошабинлар томонидан катта қизиқиш ва олқишлар билан кутиб олинди.

Фильм жанри комедия бўлиб, ўша давр санъат оламидаги рўй берган кирдикорларни ёритишга хизмат қилади. Бундан маълум бўладики, асар орқали томошабинга айтмоқчи бўлган фикрларни тез ва таъсирчан етиб бориши фильмнинг жанрига боғлиқ. Ушбу фильмда эса жанр мавзуга хос тарзда ифодаланмаган. Барча ҳолатлар бачкана ҳаракатлар, асоссиз, сунъий вазиятларга асосланганлиги томошабинда салъбий фикр



уйғонишига олиб келади. Бундан аён бўладики, фильмда, аввало, жанр тўғри танланмаган.

Умумий қилиб айтганда, аввало, фильмга бош мавзу қилиб олинган воқеа долзарблиги жиҳатидан талаб даражасида бўлиши мумкин, бироқ унинг, мазмуннинг ёритиб берилиши томонидан анча суст ифодаланган. Буни актёрлар ижросида, тасвир ҳолатларида ҳамда воқеалар кетма-кетлигидаги тартибсизликларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Фильмдаги операторлик ишига тўхталадиган бўлсак, у кўпроқ хужжатли фильм стилистикасида, ҳеч қандай ортиқча бадийлаштиришларсиз олинганини кўриш мумкин. Машхур ва профессионал кинооператор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Хатам Файзиев ўзининг “Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган бадий фильмлардаги операторлик маҳорати” номли мақоласида “Бумбастик” фильмидаги операторлик иши ҳақида тўхталар экан, шундай ёзади: “...оператор бадий кинонинг тасвирий ифода воситаларидан фойдалана олмаган. У фильми яримпрофессионал камерада тасвирга олган. Шунинг учун ҳам катта экранда фильм тасвирлари хиралик ва ноаниқлик касб этган...”.

Фильмда ўзбек киноижодкорларининг тўлиқ имконияти, маҳорати акс этган, деб айтиш қийин. Негаки, кино санъати актёрлар ижроси, сўз ва мусиқа, оператор иши ва режиссёр маҳоратининг узвий боғлиқлигида

вужудга келадиган санъат туридир. Бундаги биргина уйғунлик бузилиши фильмнинг муваффақиятли чиқишига путур етказади. Ушбу фильмда эса шу ҳолатлар билан боғлиқ бир қанча камчиликларни кузатиш мумкин.

Шундай бўлсада илк фильмларининг кичик ютуғидан рухланган фильм ижодкорлари «Бумбастик-2» (2001) ва «Бумбастик-3» (2002) фильмларини тасвирга олдилар.

Хусусий фильмлар тарихига назар солар эканмиз замонавий хусусий фильмлар билан ўзаро фарқли бўлган муҳим томонларини гувоҳи бўламиз.

Хусусан, илк хусусий фильмларни яратишда моддий ва техник таъминот ва малакали операторлар, режиссёрлар, актёрларнинг етишмовчилиги борасида юзага келган муаммоларни гувоҳи бўлиш мумкин. Аммо, таъкидлаш жоизки, мазкур фильмларда тилга олинган мавзу ва ғоя, жанр масалалари ўз ўрнида долзарб ва ўринли бўлиб, ўша вақтдаги кинодраматургиянинг ўзига хос савиясини ифода этади.

Замонавий хусусий фильмларимизда эса, техника ва технологиянинг имкониятларидан унумли фойдаланилган ҳолда тасвирий ва бадий жиҳатдан юқори бўлишига қарамай филмларда кўтарилаётган мавзу ва ғояларнинг салмоғи енгил ва олди-қочди масалаларга қаратилганлиги филм ижодкорларининг халқ маънавиятини юксалтиришдан кўра ўз моддий эҳтиёжини қондиришни



ўйлаганликларидан далолатдир. Бир сўз билан айтганда замонавий киносанъатида кинодраматургия масасаласи оғриқли нуқталардан бири бўлиб келмоқда. Бу оғриқли жараёнлар айниқса хусусий фильмларда яққол кўзга ташланади.

Қувонарлиси шундаки эндиликда “давлат” ва “хусусий киностудия” деган тушунчалар ўрнига “миллий кино” атамасини муомалага киритилиниши соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Қолаверса, эндиликда давлат буюртмаларини хусусий студияларда ҳам амалга ошириш имкони мавжуд. Мисол тариқасида ушбу ҳамкорлик асосида мувафақиятли яратилинган

“Исломхўжа” сингари тарихий фильмларни айтиб ўтиш жоиз..

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда сўнгги йилларда мамлакатимиз томонидан миллий киноматографияни ривожлантиришга қаратилинаётган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу борада кино санъатида кенг эркинлик, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ўзлигимизни, тарихимизни ифода этувчи тарихий фильмларни яратиш борасида кўплаб имкониятлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда миллий киноматографиямиз ўзининг инқирозидан чиқиш даврида.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ш.Мирзиёев. Киноматография вакиллари билан учрашув.2020. 20 ноябр
2. Ipekyolu (Туркия) ойлик журнали 1995 й, 18-сони, “Кино” рукни, 57-бет.
3. Ҳ.Акбаров. Кинокамера пишет историю – М.: Искусство,1974.
4. Ўзбекистон санъати (1991-2001йиллар) – Т.: Шарқ, 2001. 195
5. Ҳ.Файзиев. Овозсиз кинематографиядаги операторлик санъати тарихидан – Т. 2008.
6. А.И.Исмоилов. Кинотелеоператорское мастерство – Т. 2004.
7. Ҳ.Абулқосимова. Кинотелерадио тарихи ва назарияси Т.:2008, 69-бет.
8. Baxtiyarovna, U. D. (2019). The main tendencies of Uzbekistan's painting in the period of independence. World Scientific News, 116, 36-45.
9. Tadjibayeva O.K.; Melikuziev I.M.; Khusanov Sh.T., Issues of the using the Special Effects as means of Visual expression in the Cinema art. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7, 2, 2020, 2204-2215.
10. Ikbal Melikuziev. (2020). CINEMATOGRAPHER'S ABILITY IN THE CREATION OF GRAPHIC IMAGE IN UZBEK HISTORICAL FILMS. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(05), 1554 - 1567. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10078>
- 11.Ikboljon, M., & Tirkashaliyevich, K. S. (2019). Creative researches of young cameramen on the creation of graphic image in modern uzbek feature films. International Journal of Engineering and Advanced Technology, 9(1), 5230-5236. doi:10.35940/ijeat.A2948.109119
- 12.Ikboljon Melikuziev. (2016). Duties of a Cinematographer in Creating a Film. Journal of Literature and Art Studies, 6(7). <https://doi.org/10.17265/2159-5836/2016.07.013>



13. Khusanov, S. (2018). Poetic methodology in Uzbek cinema 60-70 s. Culture and Arts of Central Asia, 7(1), 6.
14. Melikuziev, I. (2020). Cinematographer's ability in the creation of graphic image in Uzbek historical films. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1554-1567.
15. Sherzod, K., & Robiya, T. (2019). "New wave" in uzbek cinema art: Expressiveness in social realism. International Journal of Engineering and Advanced Technology, 9(1), 5237-5246. doi:10.35940/ijeat.A2949.109119
16. Umarova, D. B. (2017). TRADITIONAL HERITAGE IN MODERN ART OF UZBEKISTAN. Modern Science, (5-2), 99-102.
17. Файзиев Х. Овозсиз кинематографиядаги операторлик санъати тарихидан – Т.: Ўз.Д.С.И, 2009. 38 б.